

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Yu.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЕРМАШЕВ ЖЕНГИС МАРАТОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ**  
**ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА**  
**ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.**  
**Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the Doctor (PhD) Dissertation Abstract**

**Ермашев Женгис Маратович**

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

**Ермашев Женгис Маратович**

Совершенствование конституционно-правовых основ организации и деятельности местных органов государственной власти Республики Каракалпакстан.....24

**Ermashhev Jengis Maratovich**

Improving the constitutional and legal framework for the organization and activities of local government bodies of the Republic of Karakalpakstan.....48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Үн.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЕРМАШЕВ ЖЕНГИС МАРАТОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ  
ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА  
ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Үу293 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.karsu\\_info@edu.uz](mailto:www.karsu_info@edu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кутыбаева Елизаветта Дуйсенбаевна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хусанов Озод Тиллабоевич**  
юридик фанлари доктори, профессор.

**Дауменов Бердак Айтмуратович**  
юридик фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
кошидаги Юристар малакасини ошириш  
маркази**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Үу.20.02рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “ ” куни соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси,1 жой. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: [karsu.info@gmail.ru](mailto:karsu.info@gmail.ru)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган (Манзил:230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, №1 жой. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_”. куни тарқатилди.

(2021 йил ..... “\_\_\_” рақамли реестр баённомаси).

**З.А.Реймова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

**А.М.Иматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**К.У.Умарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугун барча давлатлар ўз конституциявий тизимини ривожлантириш орқали янги босқичга олиб чиқишга, давлатда самарали бошқарув тизимини жорий қилишга, халқаро талаблар асосидаги тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жиҳатдан давлат ва жамиятда маҳаллий ҳокимиятлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун давлатда ислоҳотлар ижросини таъминлашда ҳал қилувчи ўринга эга бўлган маҳаллий ҳокимият органларининг мавқеини кучайтириш билан боғлиқ масалалар долзарблиги тобора ортиб бормоқда.

Дунёда маҳаллий аҳамиятга доир масалаларни ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органларига мустақиллик бериш баробарида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимига умум давлат сиёсати асосида фаолият олиб боровчи ўзига хос ижро этувчи орган бўғинига айлантириш тенденцияси юзага келмоқда.

Масалан, бугун маҳаллий даражадаги давлат сиёсатини амалга оширишда, аҳолига хизмат кўрсатишда маҳаллий ҳокимият органларининг роли ошди. Бу биринчидан. Икинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти давлат бошқарув механизмининг муҳим бир бўғинига айланиши, аниқроғи, маҳаллий бошқарувнинг марказий ҳокимият тизими билан бирлашуви юзага келмоқда. Бу жиҳатдан маҳаллий бошқарув тизимидаги ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистон шароитида жамият ва давлат ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, давлат ҳокимиятининг маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик органлари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга бериш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ва доимий комиссияларда жамоатчилик тингловларни жорий этиш, ҳокимлик аппаратини уларга хос бўлмаган функциялардан озод қилиш учун шаҳар, туман халқ депутатлари Кенгаши котибияти тўғрисидаги қоидаларни киритиш ҳамда туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий кенгашлар ва ҳокимларнинг ваколатларини тақсимлашга доир масалалар юзасидан илмий тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни бажаришга қаратилганлиги билан амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишига доир ҳужжатда белгиланган - I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш”нинг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига оид маълум бир жиҳатлар, хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари, ҳокимиятлар бўлинининг конституциявий тамойилини амалга ошириш муаммолари, маҳаллий ҳокимият органларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, уларнинг вазифалари ва фаолияти доираси билан боғлиқ масалалар А.А.Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, А.А.Дадашева, Б.А.Дауменов, Ш.И.Джалилов, Г.Р.Маликова, А.Махмудов, Й.Олламов, Х.И.Рузметов, А.Т.Туляганов, И.А.Хамедов, О.Т.Хусановлар томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлардан Е.А.Агеева, Г.В.Атаманчук, И.А.Бачило, Д.Бахрах, В.Г.Вишняков, Б.Н.Габричидзе, Е.В.Додин, Э.Б.Дюран, Ж.-П.Жакке, А.Токвиль, В.Е.Чиркина, Ж.-Л.Шабо, А.Шеян<sup>1</sup> ва бошқалар томонидан дунёнинг турли мамлакатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ташкил этиш муаммолари тадқиқ этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат суверенитетини кўлга киритгач, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми ва маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўртасидаги муносабатлар масалалари комплекс равишда ўрганилмаган. Собиқ иттифоқ даврида Қорақалпоғистонда давлат қурилиши масалаларига бир нечта илмий ишлар бағишланган. Булар қаторига С.У.Татибаев ва Д.А.Ниязованинг Россия Федерациясида Қорақалпоқ автономиянинг ҳуқуқий мақомига бағишланган номзодлик диссертациялари ва Л.М.Ахунжановнинг Қорақалпоқ халқининг миллий давлатчилигини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича монографияси киради<sup>1</sup>.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат суверенитетига эришгач, С.Д.Ниетуллаевнинг республикада давлат қурилиши масалаларини қамраб олган монографияси чоп этилди. Ушбу ишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг умумий таҳлили берилган<sup>2</sup>.

Е.Д.Кутыбаева ишида давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи органларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Ишлар рўйхати диссертацияда келтирилган.

<sup>2</sup> Ахунджанов М.М. Создание и развитие социалистического государственности в Советской Каракалпакии. – Нукус: Изд. «Каракалпақстан», 1984. Он же: Становление и развитие национальной государственности Республики Каракалпақстан. – Ташкент: Ўзбекистон, 1992.

<sup>2</sup> Ниетуллаев С. Д. Государственное строительство в Республике Каракалпақстан. – Нукус: Каракалпақстан, 1993.

<sup>3</sup> Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпақстан. – Нукус: Каракалпақстан, 2002.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўрганишга бағишланган илмий ишлар қаторида Б.Дауменовнинг Қорақалпоғистон Республикасида ҳокимият аппаратини ташкил этишига бағишланган номзодлик диссертациясини қайд этиш мумкин<sup>4</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, №Ф-1-79 “Жамоатчилик назорати тизимида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш муаммолари” номли илмий Лойиха доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг конституциявий - ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг назарий асосларини ўрганиш;

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ўрни ва ролини ёритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш;

маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ваколатларини ривожлантиришдаги тенденцияларни таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларининг назорат функцияларини таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг маҳаллий ижроия органларининг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигини аниқлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардан келиб чиққан жараёнлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш

---

<sup>4</sup> Дауменов Б.А. Организация деятельности аппарата хакимията в Республике Карақалпақстан. -Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. -Т.,2010.

жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи ҳамда ушбу ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларининг маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш орқали жамиятдаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим масалаларни ҳал қилишга жалб этган ҳолда, халқ депутатлари кенгашларининг доимий комиссияларида жамоатчилик тингловларни жорий этиш зарурати асосланган;

Маҳаллий кенгашларнинг иш фаолиятини янада такомиллаштириш орқали ҳокимлар аппаратини ўзларига хос бўлмаган функциялардан озод қилиш мақсадида халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари котибияти тўғрисидаги қоидаларни киритиш лозимлиги асослаб берилган;

Қорақалпоғистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш йўли билан кенгашлар ва ҳокимларнинг ваколатларини алоҳида белгилашга қаратилган Кенгаш котибияти ва унинг вазифалари билан боғлиқ нормаларни киритиш лозимлиги исботланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда янги таҳрирдаги Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунини ишлаб чиқишга зарурат мавжудлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятини тартибга солувчи Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фойдаланиладиган ахборот базасининг ишончлилиги, натижаларнинг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус илмий-назарий журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилгани ҳамда хулоса ва таклифларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Бундан ташқари, тадқиқот доирасида ижтимоий сўров (350 нафар фуқаролар, МФЙ, ОФЙ раислари, депутатлар, ҳокимлар, профессор-ўқитувчилар ўртасида) ўтказилди; тадқиқ этилаётган ишга айрим қонун ҳужжатлар ва маҳаллий кенгашларининг қарорлар таҳлил қилинди; статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилди. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий



нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий, аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари бўйича олинган хулосалар "Давлат ва ҳуқуқ назарияси", "Давлат ва ҳуқуқ тарихи", "Конституциявий ҳуқуқ", "Маъмурий ҳуқуқ" каби фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишга хизмат қилилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** олинган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалга жорий этилиши Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияларида жамоатчилик тингловларни ўтказиш тўғрисидаги таклифи Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашлари регламентларига алоҳида 61<sup>1</sup>- модда «Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияларида жамоатчилик тингловлар» кўшимча сифатида киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Канлыккуль тумани халқ депутатлари Кенгашининг 2020 йил 17 ноябрь 01-393–сонли, Шуманай тумани халқ депутатлари Кенгашининг 2020 йил 17 ноябрь 01-03/01-11/149–сонли маълумотномалари). Ушбу таклифнинг киритилиши энг муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни муҳокамага олиб чиқиш, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратини кучайтиришга ёрдам берган;

халқ депутатлари Кенгаши котибиятининг ҳуқуқий мақоми белгилаш тўғрисидаги таклифи асосида Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашлари регламентининг 48-моддаси янги таҳрирда киритилган ва унда шаҳар, туман халқ депутатлари Кенгашининг котибиятининг ҳуқуқий мақоми жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани халқ депутатлари Кенгашининг 2020 йил 23 декабрь 3174-01–сонли, Кегейли тумани халқ депутатлари Кенгашининг 2020 йил 23 декабрь 01-3119–сонли маълумотномалари). Ушбу таклифнинг киритилиши Кенгашлар фаолиятини такомиллаштиришга, ҳокимлар аппаратини уларга хос бўлмаган функциялардан озод қилишга ва пировардида давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органлари ўртасида ваколатларнинг тақсимланишига ёрдам берган;

маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунчиликка айрим ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги таклифга асосан Қорақалпоғистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни

17<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилган ва унда Қорақалпоғистон Республикаси туман, шаҳар Кенгаши котибияти ва унинг ваколатлари жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгесининг Конунчилик, суд-хуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари кўмитасининг 2021 йил 17 март 03-219-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг киритилиши Қорақалпоғистон Республикаси туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга, маҳаллий кенгашлар ва ҳокимларнинг вазифаларини алоҳида белгилашга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқарув» кафедрасида, шунингдек, 3 халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида синовдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 илмий иш, жумладан 1 та монография, 1 та уқўв кулланма, 5 та илмий мақола (3 та – республика ва 2 хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 6 параграфни ўз ичига олган 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби - "Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тушунчаси ва тизими"га бағишланган ва унинг биринчи параграфиди Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари тизимига таҳлил берилган.

Бугунги кунда илмий адабиётларда "маҳаллий бошқарув" ва "маҳаллий ўзини ўзи бошқариш" каби тушунчалардан фойдаланилади. Шу муносабат билан мазкур муаммони илмий тадқиқ этиш, унинг назарияси, категория апаратини янада ривожлантириш, хусусан, маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тушунчалари ўртасидаги муносабатлар масаласи жуда долзарб бўлиб қолади.

Маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тушунчалари XIX асрнинг бошидан буён буржуа инқилоби мафкурачилари томонидан илмий тадқиқот объекти бўлди. А.П.Мельниковнинг таъкидлашича, "маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши бир неча босқичда бўлиб ўтган. Биринчи босқич - буржуа инқилоблари даврида бошланган; иккинчиси, саноат тараққиёти эҳтиёжлари оқибатида – XIX аср охирида; учинчиси, ислохотнинг энг муҳим босқичи-

1960-йилларда ва бу жараён бугунги кунгача давом этмоқда. Унинг асосий йўналиши - маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини кенгайтириш»<sup>5</sup>.

Маҳаллий жараёнларни назарий-методологик тушунишда муҳим босқич "ижтимоий" ва "давлат-сиёсий" назарияларнинг ривожланиши бўлди. Ижтимоий назария аҳолининг ўзини ўзи фаоллиги ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни давлат ҳокимиятидан ажратиш тамойилини ва шу асосда муайян "сиёсатнинг бегоналиги" (А. де Токвиль, Дж. С. Миль, А.И.Васильчиков, П.Н.Кропоткин ва б.) мутлақлаштирди. Давлат назарияси доирасида маҳаллий бошқарув шакли сифатида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги ғоялар юзага келган (Р.Гнейст, Л.Штейн, Г.Еллинек, С.Монтин, П.М.Слоу, А.Д.Градовский, В.П.Безобразов ва б.). Ҳозирги босқичда бу назариялар ўртасида зиддиятларнинг пасайиши кузатилмоқда: маҳаллий ўзини ўзи бошқариш дуалистик (жамият-давлат) хусусиятга эга бўлган институт сифатида тан олинади.

К.Т.Мухторовнинг фикрича, ушбу концепциялардан воз кечиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ, чунки улар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш моҳиятининг турли жиҳатларини очиб беради. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш - давлат ҳокимиятини марказлаштирмасликнинг махсус шакли бўлиб, у бир томондан давлат ҳокимиятидан мустақил бўлса, иккинчи томондан унга маълум қарамликка эга. Унинг моҳияти икки йўл билан очиб берилади, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи ташкил этиш шакли сифатида ва давлат ҳокимияти ва бошқарув шакли сифатида. Ривожланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш кучли давлат ва ривожланган фуқаролик жамиятининг белгиларидан биридир<sup>6</sup>.

Л.Т.Чихладзе фикрича, собиқ иттифоқ ҳудудида ханузгача маҳаллий бошқарувга асосланган давлат ҳокимият вакиллари орқали амалга ошириладиган давлатлар мавжуд<sup>7</sup>.

Профессор О.Т.Хусанов, маҳаллий вакиллик органларининг собиқ тизимини ислоҳ қилиш ҳақида гапирганда, уни амалга оширишда уч босқичга эътиборни қаратади:

Биринчи босқич 80-йилларнинг иккинчи ярмидан 1991-йилнинг 1-сентябргача бўлган даврини қамраб олади. Бу босқичда вакиллик органларига сайлов ўтказиш тартибига ўзгартиришлар киритилди, янги қонунлар қабул қилинди ва улар асосида бутунлай демократик сайловлар ўтказилди ҳамда вакиллик органлари таркибига Раис ва Президиум институти киритилди.

Иккинчи босқичда 1991-йил 1-сентябрдан 1992-йил 8-декабргача "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" ги

---

<sup>5</sup> Мельников А.П. К вопросу о соотношении понятий «местное управление» и «местное самоуправление». Вестник БДУ, 2012. - № 3. - С. 82

<sup>6</sup> Мухторов К.Т. Конституционно-правовые основы организации местного самоуправления в Республике Таджикистан /Автореф. дис. ...канд. юрид. наук.- М.,2012,с.11.

<sup>7</sup> Чихладзе Л.Т. Местное самоуправление и местное управление в государствах-участниках Содружества Независимых Государств//Автореф. дис. ...докт. юрид. наук. - М.,2013, с.13.

қонунга мувофиқ ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалга ошириш чоралари кўрилди. 1992-йил 4-январь куни "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида" ги қонун қабул қилиниб, у амалда маҳаллий ҳокимиятни амалга оширувчи икки мустақил орган: вакиллик ва ижроия органларининг фаолият юритишни ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди.

Учинчи босқич 1992-йил 8-декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан бошланади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти органлари фаолиятини кафолатлашга мўлжалланган ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини конституциявий жиҳатдан белгилаш аҳамияти юқори бўлди<sup>8</sup>.

Шунга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий органлари тизими ўз ривожланишида ушбу босқичларни босиб ўтди. Амалдаги Қорақалпоғистон Республикаси "Маҳаллий ҳокимияти тўғрисида" ги қонуни уларнинг фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларнинг таҳлили бугунги кунда ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор масалалар мавжуд эканлигини кўрсатади. Аввало, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини аниқ белгилаш ва "давлат ҳокимияти органлари" тушунчасини белгилаб олиш зарур. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги қонуннинг 1-моддасига қуйидаги таърифни киритиш таклиф этилади: "Маҳаллий давлат ҳокимияти Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи вакиллик ва ижроия органларидан иборат".

Ушбу қонунга бир қатор таъриф ва атамалар киритилиши лозим. Бундай амалиёт бир қатор мамлакатларда мавжуд<sup>9</sup>. Аввало, қонунда ҳоким тушунчасини маҳаллий ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида бериши керак: «Ҳоким-тегишли ҳудудда давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминловчи маҳаллий ижроия органга раҳбарлик қилувчи ва ушбу қонунда белгиланган ваколат доирасида унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижроия ҳокимияти органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти учун масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарининг вакили».

Иккинчи параграф - Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари таҳлил қилиш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган.

---

<sup>8</sup> Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. - Т.: Шарк, 1996. –78 б.

<sup>9</sup> Қаранг: 2001 йил 23 январдаги "Қозоғистон Республикасида маҳаллий бошқарув ва ўз-ўзини бошқариш тўғрисида"ги 148-П-сонли Қозоғистон Республикаси қонуни// <https://online.zakon.kz>

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ривожланишининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳам марказий, ҳам маҳаллий даражада бошқарув самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, уларнинг асосий таркибий қисмларидан бири фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда ўз назорати, вакиллик ва қоида қилиш вазифаларини янада самарали амалга ошириш учун Халқ депутатлари кенгашларини қўллаб-қувватлашдир.

1991 йил 1-сентябрдан 1992 йил 8-декабргача "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалга ошириш чоралари кўрилди. 1992-йил 4-январь куни "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, у амалда маҳаллий ҳокимиятни амалга оширувчи икки мустақил орган: вакиллик ва ижроия органларнинг фаолият юритишини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди.

Ижроия органларнинг вакиллик органларидан ажралиши уларнинг ролини камайтирмади, аксинча, уларнинг мустақиллигини таъминлади ва ижроия органларнинг вакиллик органлари ишларига аралашувига чек қўйди. Натижада аниқ белгиланган вазифаларга эга вакиллик органлари вужудга келди.

Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий вакиллик органлари бугунги кунда жуда катта ваколатларга эга бўлиб, улар маҳаллий барча масалаларни ҳал этишга ҳақли. Халқ депутатлари Кенгаши жойларда тегишли ҳудудлар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорларини ижро этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, аҳолини тегишли ҳудудни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Маҳаллий вакиллик органлари ўз сессияларида фаолиятининг асосий шакллари тартибга солувчи ички низомларини қабул қиладилар, яъни: халқ депутатлари Кенгашининг регламенти, халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. Шунингдек, улар доимий ва вақтинчалик комиссиялар ҳамда халқ депутатлари Кенгашларининг бошқа органларини тузади, сайлайди ва бекор қилади, уларнинг таркибини ўзгартиради ҳамда ишлари бўйича ҳисоботларни эшитади; халқ депутатлари ваколатларини тан олиш ва тугатиш, уларни қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда жавобгарликка тортишга розилик бериш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимиз Президенти 2020 йил январь ойида Олий Мажлис Сенатининг биринчи сессиясидаги нутқида маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳам кўтариб чикди. Хусусан,

Президент халқаро тажрибага асосланиб, Кенгашларга вазирликлар ва идораларнинг худудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимларига мувофиқлиги тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқини бериш тўғрисида таклиф киритди, бу эса маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ушбу параграфда Кенгашлар фаолиятининг асосий ташкилий шакллари таҳлили келтирилган. Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларининг фаолияти сессиялар, доимий ва вақтинчалик комиссиялар, партия гуруҳлари, депутатлар фаолияти ва бошқа ташкилий шаклларда амалга оширилади. Амалиётда шаклланган фаолият шаклларини акс эттириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг IV боби "Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари фаолиятининг ташкилий шакллари" деган модда билан тўлдириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг иккинчи боби – "Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари"га бағишланган. Биринчи параграфда Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимлар фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти ва уларнинг вазифаларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистонда 1992 йил апрель ойида Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида "Туман ва шаҳарлар ҳокимлари лавозимини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Сессияда тегишли органларга туман ва шаҳарлар ҳокимлари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уни кейинги сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этиш топширилди. Бунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раёсати 1992 йил 4 майда "Туман, шаҳар ҳокимликлари ва уларнинг вакиллик органлари - халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро муносабатлари асослари тўғрисида"ги вақтинчалик низомни тасдиқлади.

Ҳокимларнинг ташкил топиши ва фаолиятида тўпланган тажрибасини умумлаштириш асосида 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, 1993-йил 9-апрелда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид тегишли бўлимлар киритиш имконини берди.

Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасига биноан, туман ёки шаҳар ҳокими туман ва шаҳарнинг энг юқори лавозимли шахс ҳисобланади ва бир вақтнинг ўзида тегишли худуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларига раҳбарлик қилади. Шаҳар ва туман ҳокимлари тегишли халқ депутатлар Кенгашига ва Жўқорғи Кенгес раисига ҳисоб беради.

Шу билан бирга ҳокимларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби масаласида қонунчилик ва амалиёт талаблари ўртасида номувофиқлик мавжуд. О.Т.Хусанов ҳақли равишда қайд этганидек, Ўзбекистон Республикасида вилоятлар (Тошкент шаҳар) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли Кенгашлар томонидан

тасдиқланади. Ҳокимларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Президент фармони билан амалга оширилади. Юқорида қайд этилган қонун қоидаларнинг том маънода таъминланишидан келиб чиқадиган бўлсак, фармон маҳаллий халқ депутатлар Кенгаши томонидан тасдиқланиши керак, бу эса бутунлай мантиқсиз. Амалда кўп ҳолларда ҳокимлар маҳаллий халқ депутатлар Кенгашлар мажлисларида тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, сўнгра Президент фармони чиқарилади. Аммо бу тартиб қонунга тўғри келмайди<sup>10</sup>.

Шундай амалиёт республикамизда ҳам шаклланган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг туман, шаҳар ҳокимлар лавозимга тайинлаш, лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармойиши тегишли Халқ депутатлари Кенгашлар томонидан тасдиқланади, яъни республика раҳбарининг фармойиши маҳаллий Кенгашни тасдиқлашни талаб қилади. Қонун ва шаклланган амалиёт ўртасидаги бу тафовутни бартараф этиш лозим.

Маълумки, маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2-сентябрдаги Қонуни ва Қорақалпоғистон Республикасининг 1998 йил 29-январдаги Қонуни билан белгиланади. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишнинг аниқ соҳаларидаги ваколатлари кўплаб соҳавий қонунларда мустаҳкамланган.

Юқорида қайд этилган қонунларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари давлат ҳокимияти (вилоят, туман, шаҳар) даражаларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади. Буни турли даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига оид илгари мавжуд қонунлардан ажратиб турадиган ушбу қонун ҳужжатларининг муҳим камчилиги сифатида кўриш мумкин.

Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳокимлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жавобгарлиги, ҳокимнинг ваколатларини муддатдан олдин тугатиш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари депутатларининг таъсирини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши лозим. Бундан ташқари, вакиллик ҳукумати органларининг назорат функцияларини мустаҳкамлаш учун унга ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида ҳокимга ишончсизлик вотуми эълон қилиш ҳуқуқи берилиши керак.

Бу ҳуқуқ халқ депутатлар Кенгаш депутатларига берилиши керак, яъни халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгаши депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми ташаббуси билан туман ёки шаҳар ҳокимига ишончсизлик вотуми эълон қилиш масаласи кўтарилиши мумкин. Бу ҳолда халқ депутатлари Кенгаши ўз депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан ҳокимга ишонч билдирмаслик ва уни лавозимидан озод этиш масаласини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси олдида кўтариш ҳуқуқига эга. Кўриниб турибдики, бу амалиёт халқ депутатлари

---

<sup>10</sup> Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. - Т.: Шарк, 1996. - 78 б.

Кенгашларининг назорат ваколатларини мустаҳкамлашга кўмаклашади, чунки ҳокимга ишончсизлик масаласини кўриб чиқиш учун асос сифатида Кенгаш томонидан ҳокимларнинг ҳудуднинг режа, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурлари, маҳаллий бюджет ижроси юзасидан ҳисоботини маъқулланмаслик бўлиши мумкин.

Ушбу параграфда шаҳар ва туманлар ҳокимлари ваколатлари таснифи берилган. Ҳозирги кунда қонунчиликда ҳокимиятлар томонидан 300 га яқин вазифа ва функцияларни бажариш кўзда тутилган. Улардан 175 таси ҳокимларнинг асосий ваколатига кирмайди ва бошқа бўлимларнинг вазифаларини такрорлайди. Бу эса иш ва ижро интизоми сифатига салбий таъсир қилади. Ҳокимларнинг ваколатларини кўриб чиқиши ва бир қатор ваколатларини ҳудудий ижро органларига топшириши зарур.

Бобнинг иккинчи параграфи – “Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тақомиллаштириш” масалаларига бағишланган.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари тизими мураккаб тузилишга эга. Бу тизимда бўлим ва бошқармалар муҳим рол ўйнайди. Уларнинг ҳуқуқий мақоми шаҳар, туман халқ депутатлар Кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ва олий ижроия ҳокимияти органлари билан муносабатлари амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий тузилмалари тўғрисидаги нормалар мавжуд эмас. Масалан, Татаристон Республикасининг 2005 йил 6 апрелдаги "Татаристон Республикасининг давлат ҳокимияти ижроия органлари тўғрисида"ги №64-ЗРТ-сонли Қонунида бу органларга алоҳида модда ажратилган<sup>11</sup>.

Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга "Республика ижроия ҳокимияти органларининг ҳудудий органлари" деб номланган алоҳида моддани қуйидаги мазмунда жорий этиш лозим: “Республика ижроия ҳокимияти органлари Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларида (туманлар, республика аҳамиятига эга шаҳарлар) ўз ҳудудий органларини тузиш ҳуқуқига эга”.

Бажариладиган функциялар ва таъсир кўрсатиш объектларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, функционал ва соҳа бўлим ва бошқармаларини ажратиш мумкин. Улар бўлимлар ва бошқармалар деб номланган бўлса-да, уларнинг орасидаги фарқ республика қонунчилигинда кўрсатилмаган. Кўпинча ижтимоий-маданий соҳага маъсул бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари бўлим деб номланади (масалан, маданият, халқ таълими, мактабгача таълим бўлими), халқ хўжалиги соҳасида фаолият

---

<sup>11</sup> "Татаристон Республикасининг давлат ҳокимияти ижроия органлари тўғрисида"ги №64-ЗРТ-сонли Қонуни. -<http://docs.cntd.ru/document/917016841>



юритадиган идоралар бошқармалар дейилади (кишлоқ хўжалиги бошқармаси).

Баъзан уларнинг фарқланиши фаолият ҳажми, ички тузилиши ва ходимлар сони каби мезонларга асосланади. Айрим ҳолларда бўлимлар, хўжалик ва маданий соҳаларни бошқариш бўйича ишлар ҳажми ортиб бориши туфайли бошқармаларга айлантирилади. Фикримизча, бўлимлар ва бошқармалар ўртасида фарқ уларнинг фаолияти ва ички тузилиши бўйича белгиланиши керак.

Ҳал қилиниши керак бўлган яна бир савол. Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат. Уларнинг тизими, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланадиган тегишли Низом билан белгиланади.

Бироқ, кейинги йилларда шаҳар, туман бўлимлари тўғрисидаги Низом тегишли вазирликлар буйруқлари билан тасдиқланади, бу эса қонунларнинг юқорида кўрсатилган қоидаларига зиддир. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилиш зарур, унга мувофиқ ижро ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий ҳудудий органлари тўғрисидаги Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлари билан тасдиқланиши керак.

“Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари” диссертациясининг учинчи боби учта параграфидан иборат. Биринчи параграфда маҳаллий вакиллик органларининг ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишларини такомиллаштириш масалалари очиқ берилган.

Ваколатларни ажратиш принципи асосида давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро этувчи органлари тизимини яратилиши ҳар ҳил ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган, улар ўртасидаги янги муносабатларни вужудга келтирди.

Ҳокимлар ва вакиллик органлари ўртасидаги муносабатлар турли шароитларга боғлиқ бўлиб, бир неча гуруҳларга бўлиниши мумкин:

ҳокимлар вакиллик органларнинг ишини ташкил этганда вужудга келадиган муносабатлар;

вакиллик органлари ҳокимларни, уларнинг уринбосарларини тайинлашда ва ижроия ҳокимиятининг маҳаллий таркибий бўлинмаларини тузишда вужудга келадиган муносабатлар;

вакиллик органлари томонидан ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш ва айрим қарорларни қабул қилиш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш борасида юзага келадиган муносабатлар,

ҳокимнинг ва вакиллик органларининг уларнинг биргаликдаги фаолияти учун вазифалари ва ваколатларини амалга оширишда вужудга келадиган муносабатлар.

Маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари ва ваколатлари Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунида алоҳида белгилаб қўйилган. Масалан, Қонуннинг 24-моддасида ҳокимларнинг вазифалари сифатида шаҳар ёки туманни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, уларни тасдиқлаш тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан амалга оширилади, бу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган<sup>12</sup>.

Бюджет соҳасида ваколатларни амалга оширишда вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ҳам иштирок этади. Бунда, айрим ваколатлар фақат вакиллик органлари, бошқалари ижроия ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади, айримлари эса биргаликда амалга оширилади. Шундай қилиб, бюджетни тузиш, ижросини ташкил этиш ва унинг ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ҳоким зиммасига киради. Бюджетни ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлаш - вакиллик органларининг ваколати, бюджет ижросини назорат қилиш эса вакиллик ва ижроия органларининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида махсус бошқарув тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий тажриба тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгаши тажриба тариқасида яратилган котибиятлар самарали иш олиб бормоқда.

Ана шу ижобий тажриба асосида 2020 йилнинг 14 сентябрида "Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга ўзгаришлар киритилди. Уларга мувофиқ халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши фаолияти учун ташкилий, техник ва бошқа хизматлар тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибияти томонидан таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилигида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларининг ҳокимларини тасдиқлаш тартиби билан боғлиқ масалалар тўлиқ тартибга солинмаган. Ҳоким лавозимида номзод халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг умумий сонидан кўпчилик овозни олмаган бўлса, у ҳолда нима бўлади, деган савол очиклигича қолмоқда.

Қозоғистон Республикасида бу масала қуйидагича ҳал этилади. Қозоғистон Республикасининг 2001 йил 23 январдаги "Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги 148-П-сонли Қонунининг 23-1 моддасига кўра, агар аким лавозимида номзод маслихат депутатларининг умумий сонидан кўпчилик овоз олмаса, акимни тайинлаган шахс ёки у ваколат берган шахс маслаҳат

---

<sup>12</sup> Қорақалпоғистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни.- Lex.uz/pdfs/4359286

Мажлиси қарорини олган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида маслаҳатга бошқа номзоднинг лавозимига тайинланишига розилик бериш тўғрисидаги тақдимномани қайта топширади. Акимни тайинлаган шахс ёки у ваколат берган шахс аким лавозимига кетма-кет уч мартадан кўп бўлмаган номзодни кўрсатиши мумкин. Учинчи марта маслиҳат туман (вилоят аҳамиятига молик шаҳар) акими лавозимларига номзодларни тайинлашга розилик бермаса, вилоят акими Қозоғистон Республикаси Президентини ёзма равишда хабардор қилади ва тегишли маслиҳат ваколатларини муддатдан олдин тугатиш масаласини кўтаради<sup>13</sup>.

Чет давлатларнинг тажрибасинан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига қуйидаги мазмундаги қонидани киритиш лозим: “Шаҳар, туман ҳокими лавозимига номзод шаҳар, туман халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари умумий сонидан кўпчилик овоз олмаган тақдирда, шаҳар, туман Кенгаши қарори олинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси ҳоким лавозимига бошқа номзод кўяди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси кетма-кет уч мартадан кўп бўлмаган шаҳар ёки туман ҳокими лавозимига номзод кўрсатиши мумкин.

Халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгаши учинчи марта туман ёки шаҳар ҳокими лавозимларига номзодларни тайинлашга розилик бермаса, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси тегишли халқ депутатлари Кенгаши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўтаради”.

Бир қатор хорижий мамлакатлар амалиётида маҳаллий вакиллик органлари ижро ҳокимият бошлиғига ишончсизлик билдиришга ҳақлидирлар<sup>14</sup>. Бундай ҳуқуқ маҳаллий Кенгаш депутатларига берилиши керак, яъни: халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгаши депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми ташаббуси билан туман ёки шаҳар ҳокимига ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда халқ депутатлари Кенгаши унинг депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан ҳокимга ишончсизлик билдириш ва уни лавозимидан озод этиш масаласини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси олдида кўтариш ҳуқуқига эга. Кўриниб турибдики, бу амалиёт халқ депутатлари Кенгашларининг назорат ваколатларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Чунки ҳокимга ишончсизлик масаласини кўриб чиқиш учун асос сифатида Кенгаш томонидан ҳокимларнинг ҳудудни, маҳаллий бюджетни ривожлантириш режалари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурлари тўғрисида ҳисоботини маъқулланмаслик бўлиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда шундай амалиёт мавжудки, маҳаллий вакиллик органлари тегишли комиссиялар томонидан даврий эшитувларни ўтказиш

<sup>13</sup> "Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги 148-П-сонли Қонуни.-<http://online.zakon.kz>

<sup>14</sup> Масалан, 2001 йил 23 январдаги "Қозоғистон Республикасида маҳаллий бошқарув ва ўз-ўзини бошқариш тўғрисида"ги 148-П-сонли Қозоғистон Республикаси қонуни, 24-моддаси //<http://online.zakon.kz>

йўли билан ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг 2001 йил 23 январдаги № 148-П-сонли қонуни 13-моддасида доимий комиссия ўз ташаббуси билан ёки Кенгаш қарори билан депутатлар, ижро этувчи органлар вакиллари, маҳаллий ҳокимият органлари, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар иштирокида комиссияларнинг кенгайтирилган йиғилишлари шаклида, доимий қўмиталар ваколати доирасида давлат манфаатларининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш учун жамоатчилик эшитувини ўтказиши мумкин<sup>15</sup>.

Халқ депутатлари Кенгашларининг назорат фаолиятининг муҳим шакли уларнинг доимий комиссиялари фаолияти бўлиб, улар ўз ваколатлари доирасида маҳаллий ижро ҳокимияти органларидан ҳисоботлар ва тегишли маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан Кенгашларнинг Регламентига доимий комиссиялари томонидан ҳар ойда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларини тинглаш тўғрисидаги нормани киритиш мавжуд.

Учинчи боб - “Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари”- деб номланади.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналишини белгилаб беради. Марказий давлат органлари функцияларининг босқичма-босқич номарказлаштириш, уларнинг айрим функцияларини қуйи даражадаги органларга босқичма-босқич ўтказиш муҳим ўрин тутади<sup>16</sup>.

